

ЗИЛЗИЛАДА ХАРАКАТЛАНИШНИ БИЛАСИЗМИ?

У. Д. Муродова

Низомий номидаги ТДПУ Катта ўқитувчиси

Табиий фавқулотда вазият- бу маълум бир ҳудудда ҳавфли табиий ҳодисалар натижасида одамларнинг қурбон бўлишига, шикастланишига ва атроф табиий муҳитга моддий зарар етиши, аҳолининг ҳаёт фаолияти шароитлари издан чиқишига олиб келадиган шароитдир. Шундай вазиятлардан бири зилзилалардир. Вақт танламайдиган ва жой танламайдиган бу табиий халокатли вазият зилзиладир.

Охириги йиллар ичида Покистон, Индонезия, Туркия, Перу, Чили ва Гаитида содир бўлган ер қимирлашлари натижасида минглаб кишилар ҳаётдан кўз юмди. Камида шунча киши бошпанасиз қолди. Маълумки, 966 йил 26 апрель куни соат 5:23да Тошкентда даҳшатли зилзила содир бўлди. Зилзила ўчоғидаги силкиниш магнитудаси 5,2, эпицентрдаги ер юзасида сеймик таъсир эса 8 баллдан ортиқ, чекка жойларда 6 баллни ташкил этди.

ЗИЛЗИЛА- ер қимирлаш — ер пўстида ёки мантиянинг юқори қисмида тўсатдан силжиш, синиш ёки ўпирилиш рўй бериши оқибатида вужудга келадиган ва тўлқинсимон тебранишлар тарзида узокларга тарқаладиган ер ости силкинишлари ва тебранишлари. Сабабларига кўра, тектоник, вулканий ва ўпирилиш зилзилаларига бўлинади.

Зилзила вақтида ҳар қандай одам саросимига тушиб, ўзини-ўзи бошқара олмай қолиши турган гап. Кўпчилигимиз бундай ҳолларда нима қилишни, зилзила вақтида қандай қилиб жон сақлашимиз мумкинлигини билмаймиз ҳам. Мутахассисларнинг тавсияларига қулоқ тутсангиз, табиий офатлар вақтида ҳаётингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз. Энг муҳими ҳар қандай вазиятда ҳам инсон ўзини онгли равишда бошқара олиши, оғир ва вазмин бўлиши лозим.

Шу кунларда Туркияда кузатилган зилзила кўпчиликни шошириб, эсанкиратиб қўйгани аниқ.

6 февраль куни тонгида Туркия жануби-шарқида зилзила содир бўлди — БМТ маълумотларига кўра, бу Туркияда 1939 йилдан бери юз берган энг кучли зилзиладир. Зарар кўрган ҳудудда зилзила хавфи ҳали ҳам сақланиб қолмоқда — булар кучли афтершоклар (зилзилани қайтиши) бўлиб, улар баъзида асосий зилзиладан кейин ҳам давом этади. Туркияда юз берган зилзила оқибатида минглаб инсонлар ҳалок бўлди. Ушбу ҳодиса дунёнинг бошқа нуқталарида ҳам зилзила ва у содир бўлаётганида қандай ҳаракат қилиш лозимлиги ҳақидаги маълумотларга бўлган қизиқишни оширди.

Инсоният табиат ходисалари тўғрироғи, табиий фавкулотда вазиятлар олдида қанчалик ожизлигини яна бир исботлади. Шундай экан, ҳар қандай вазиятга тайёр туришимиз кераклигини талаб этади.

Қадимдан инсоният ҳаётида бир қанча даҳшатли зилзилалар бўлиб ўтган. Уларни натижасида минглаб одамлар нобуд бўлишган, бино ва иншоотлар вайрон бўлган, маддий ва маънавий бойликлар бир зумда йўқ бўлган.

Зилзилада ҳаракатланишни 3 хил тактикага бўлиб ўрганилади.

Зилзилагача аҳоли ҳаракати:

1. Шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат, хонадонингизда батареяли радиоприёмник, чўнтак электр фонари ва дори-дармонлар сақланадиган қутича, қимматбаҳо қогозлар тайёр ҳолда туриши керак;
2. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларини билишингиз зарур;
3. Асосий электр ўчиргич ва газ кранларини жойини аниқ билиб олишингиз лозим;
4. Шкафларда оғир буюмларни қўймаслик, оғир шкафларни деворга маҳкамлаб қўйиш керак;
5. Зилзила содир бўлган вақтда оила аъзолари билан қайерда учрашишни келишиб олиш;
6. Қария, ногирон ва болалар хавфсизлигини таъминлаш йўлини олдиндан ўйлаб қўйинг.
7. Ташкилотлар, муассасаларда ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш зарур.

Зилзила вақтида аҳоли ҳаракати:

- Агар бинонинг биринчи қаватида бўлсангиз дарҳол ташқарига чиқинг, бинодан ташқарида бўлсангиз, ўша йерда қолинг;
- Хона ичида бўлсангиз, таянч деворлар ва эшик остонаси хавфсиз жойлар ҳисобланади;
- Кўчада бўлсангиз қулаб тушиши мумкин бўлган бино, баланд девор, электр тармоқларидан йироқроқ бўлишга ҳаракат қилинг;
- Зилзила вақтида лифт ёки зиналардан фойдаланманг.

Зилзиладан сўнг аҳоли ҳаракати:

- Саросимага тушмай хотиржамлик билан вазиятни баҳоланг, жабрланганларга ва болаларга ёрдам беришга киришинг;
- Сув, газ, электр тармоқлари ҳолатини текширинг, ишдан чиққан бўлса фойдаланманг;
- Шикастланган биноларга киришда эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилинг;
- Телефон тармоқларини ортиқча банд қилманг;
- Зилзила қайтишига тайёр туринг, бйерилаётган ахборотларни кузатиб боринг.

<https://conferencea.org>

Зилзила вақтида энг хавфли жойлар кўп қаватли биноларда зиналар, осма балконлар ва лифтдан фойдаланиш хавфли хисобланади. Агар сиз кўпқаватли бинода яшасангиз зилзила вақтида зиналардан асло фойдаланманг, чунки зиналар бу вақтда гармошкадек тахланади, яна бири бошқасини уриб тушади. Шундай вазиятда уй ичида хавфсиз жойда қолинг. Асосий девор тарафда бурчакда ўтириб бошингизни ёстик билан ёпинг, ҳеч қачон ойналар бор тарафда турманг, чунки тебраниш натижасида ойналар синиб кетади ва атрофдаги одамларни шикастлаши мумкин. Зилзила вақтида хоналарни қанчалик кичкина бўлиши хавфни камайтиради. Агар ховлида ёки биринчи қаватда яшасангиз зилзила вақтида зудлик билан ташқарига очиқ майдонга чиқинг. Катта дарахтлар, столбалар ва кўпқаватли бинолар тагида турманг.

Зилзила бўлиб ўтгандан кейин ўзингизни соғлиғингиз яхши бўса, эс- хушингиз жойида бўлса атрофдагиларга ёрдам беришингиз зарур. Оғир юк остида қолганларни қутқариш, қон кетаётганларда қон тўхтатиш, суяклари синганида тахтакачлаш, хушдан кетганларни хушига келтириш, ўпка-юрак фаолияти тўхтаб қолганида жонлантириш каби тамойилларни бугунги кунда ҳар бир фуқаро билиши керак.

Хар биримизни оллохни ўзи асрасин!